

**ЎЗПФЛ ТОМОНИДАН ЎТКАЗИЛАДИГАН
ТАДБИРЛАР ВА МУСОБАҚАЛАРДА
ИШЛОВЧИ ОАВ ВАКИЛЛАРИ УЧУН МЕДИА
ЙЎРИҚНОМА**

UZBEKISTAN
PROFESSIONAL FOOTBALL
LEAGUE

АТАМАЛАР

Аккредитация – ЎзПФЛ томонидан ўтказиладиган Тадбирлар ва Мусобақаларда қатнашиш истагини билдирган ОАВ вакиллари учун тақдим этиладиган рухсатнома;

Мусобақа – ЎзПФЛ томонидан ўтказиладиган барча турдаги мусобақаларнинг футбол учрашуви.

Тадбир – Мусобақа олди машғулот жараёнлари, матбуот анжуманлари, ЎзПФЛнинг навбатдаги ва навбатдан ташқари анжуманлари, қуръа ташлаш маросимлари, Мусобақаларнинг очилиш ва ёпилиш маросимлари, ЎзПФЛ томонидан ўтказиладиган бошқа тадбирлар.

Микст-зона – Мусобақа якунида ОАВ вакиллари футболчилар, мураббийлар ва расмий шахслардан интервью олиши учун мўлжалланган, жамоаларнинг кийиниш хонасидан бошлаб, уларнинг автобусигача бўлган махсус ҳаракатланиш ҳудуди.

Флеш-интервью – Мусобақа якунига етгач футболчи ёки мураббий билан майдон четида ажратилган махсус ҳудудда уюштириладиган қисқа интервью.

Клуб расмийси – Мусобақада иштирок этувчи футбол клуби футболчиси, мураббийи ёки бошқа лавозимдаги расмий шахси.

1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги қонунига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, барча турдаги ОАВ ва унинг ходимларини Ўзбекистон Профессионал футбол лигаси (кейинги ўринларда – ЎзПФЛ) томонидан ўтказиладиган Тадбирлар ва Мусобақалар учун аккредитациядан ўтказиш, ОАВ вакилларининг Мусобақалар давомидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ОАВ вакилларини аккредитациядан маҳрум қилиш тартиби, шунингдек, ОАВ вакилларининг ЎзПФЛ томонидан аккредитациядан ўтказиш билан боғлиқ бошқа масалаларни тартибга солади.

1.2. ЎзПФЛ томонидан ОАВ вакиллари учун тақдим этилган мавсумий аккредитация кейинги мавсум учун аккредитациялар тақдим этилгунга қадар расмий Тадбирлар ва Мусобақалар учун амалда бўлади. Аккредитациянинг муддати ўтгани масаласида ЎзПФЛ матбуот хизмати ташкилот сайтида расмий ахборот тақдим этади.

1.3. Ўзбекистонда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган ОАВ ўз ходимларини ЎзПФЛ томонидан ташкил этиладиган Тадбир ва Мусобақа учун аккредитациядан ўтказиши мумкин.

1.4. ОАВ ўз вакилини аккредитациядан ўтказиши учун ЎзПФЛ матбуот хизмати томонидан расман эълон қилинган муддат ичида расмий ариза

тақдим этиши талаб этилади. Мазкур аризага аккредитация олиши керак бўлган вакиллар рўйхати илова қилинади.

1.5. Хорижий ОАВ ўз ходимини аккредитациядан ўтказиш учун йилнинг исталган даврида ариза тақдим этиши мумкин. Бунинг учун ОАВ вакили тегишли давлат органидан рўйхатдан ўтган бўлиши лозим. Хорижий ОАВ вакилининг матбуот анжуманида сўзлашувчи тил билан боғлиқ масаласи учун Мусобақа ташкилотчиси жавобгар ҳисобланмайди.

1.6. ЎзПФЛ матбуот хизмати ўз шахсий саҳифаси мавжуд бўлган мустақил журналистлар, блогер ва влогерлар учун ҳам аккредитация тақдим этиши мумкин. Бунда ариза берувчининг саҳифаси ва унинг контенти ташкилот томонидан ўрганиб чиқилади. ЎзПФЛ лозим топмаган саҳифа юритувчиси учун аккредитация берилмайди.

1.7. Футбол мухлислари томонидан ташкил этилган, у ёки бу клуб манфаатлари ҳамда қарашларинигина ифода этувчи саҳифалар юритувчиларига аккредитация тақдим этилмайди.

1.8. Ҳар қандай ОАВ Мусобақалар давомида ЎФА ҳамда ЎзПФЛ Регламентларида, меъёрий ҳужжатларида, шунингдек, мазкур ташкилотларнинг бошқа ташкилотлар билан келишув ҳамда шартномаларида акс этган бандларга ҳурмат билан муносабатда бўлишлари талаб этилади.

1.9. Ўзбекистон Профессионал футбол лигаси ОАВ вакилларида журналистик одоб-ахлоқ ҳамда этика нормаларига қатъий риоя қилишларини сўрайди. Шунингдек ЎзПФЛ аккредитациясига эга ОАВдан:

- ЎзПФЛ рамзларидан тижорий мақсадларда расмий рухсатсиз фойдаланмаслик;
- ЎзПФЛ билан боғлиқ ахборот эълон қилинаётганда фактларга ЎзПФЛ матбуот хизмати орқали аниқлик киритиб олиш;
- ЎзПФЛ томонидан ўтказиладиган Мусобақа ёритилаётганда матнларда Мусобақанинг расмий номини кўрсатишни сўрайди.

1.10. ЎзПФЛ аккредитациядан ўтган ОАВ вакилларида Тадбир ёки Мусобақа ўтказилаётган ҳудудга тақдим этилган аккредитация ёрдамида бепул киришни таъминлайди.

1.11. ЎзПФЛ томонидан ўтказилган Тадбир ёки Мусобақага тегишли видеоёзув ва фотосуратлардан тижорий мақсадларда фойдаланиш фақатгина ЎзПФЛ билан расмий келишув асосида амалга оширилади.

1.12. Аккредитациядан ўтмаслик Ўзбекистон Республикасининг “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги қонунида белгиланган журналистларнинг ҳуқуқларига даҳл қилмайди.

2-боб. КЛУБ МАТБУОТ ХИЗМАТИ ВАЗИФАЛАРИ

2.1. Клуб матбуот котиби ОАВ билан алоқалар ўрнатиш, жамоатчилик орасида клуб имиджини шакллантириш, клуб фаолиятини ёритиб бориш билан шуғулланади ва бу борада ЎзПФЛ медиа хизмати билан ҳамкорлик қилади.

2.2. Матбуот котиби ўзи фаолият олиб бораётган клубга тегишли Тадбирлар ва Мусобақалар ўтказишда бевосита иштирок этади ҳамда расмий саҳифаларда эълон қилинган материаллар учун жавобгар ҳисобланади.

2.3. Мусобақалар давомида клуб матбуот котибининг уй ва сафар учрашувларида тўлиқ иштирок этиши мажбурий ҳисобланади.

2.4. Мезбон клуб матбуот котиби учрашувни ёритиш учун ташриф буюрган видеооператорлар ва фотомухбирларга махсус нимчалар тақдим этиши лозим. Видеооператорлар ва фотомухбирлар учрашув давомида нимчаларда фаолият олиб бориши масаласи учун клуб матбуот хизмати жавобгар ҳисобланади.

2.5. Мусобақалардан кейинги матбуот анжуманини ташкил этиш ва ўтказиш учун мезбон клуб матбуот котиби жавобгар ҳисобланади.

2.6. Матбуот анжуманида иштирок этадиган мураббий ёки футболчи хорижлик бўлиб, ўзбек тилида сўзлаша олмаса, у билан шартнома имзолаган клуб мазкур расмий шахс нутқини ўзбек тилига таржима қилиш учун таржимон ёллаган бўлиши талаб этилади.

2.7. Ҳар бир клуб ўз расмий веб-сайтига ҳамда ижтимоий тармоқлар ва мессенжерларда ўз саҳифасига эга бўлиши тавсия этилади. Клуб матбуот котиби веб-сайтнинг барқарор фаолият олиб бориши учун жавобгар ҳисобланади.

2.8. Мезбон клуб матбуот котиби уй учрашувлари учун Мусобақага оид маълумотлар акс этган дастурномалар тайёрлаши ва уларни стадионга ташриф буюрган ОАВ вакилларига тақдим этиши тавсия этилади.

3-БОБ. МАТБУОТ АНЖУМАНИ

3.1. Мусобақа якунланганлигини билдирувчи ҳакам ҳуштагидан кейинги 15 дақиқа оралиғида клублар бош мураббийлари иштирокида матбуот анжумани бошланиши керак.

3.2. Мусобақадан кейинги матбуот анжуманида биринчи бўлиб меҳмон жамоа бош мураббийи иштирок этади.

3.3. Мусобақа якунида ўтказиладиган матбуот анжуманида ЎзПФЛ матбуот хизмати томонидан тақдим этилган аккредитацияси мавжуд бўлган ОАВ вакиллари иштирок этишига рухсат берилади. ЎзПФЛ матбуот хизмати рўйхатдан ўтган ОАВ ва уларнинг вакиллари бўйича маълумотлар базасини шакллантиради.

3.4. Матбуот анжумани вақтида НВ аккредитацияга эга бўлган оператор камераси видеооператорлар учун махсус жойнинг марказий қисмига қўйилиши бўйича устувор ҳуқуқга эга ҳисобланади. NRH аккредитациясига эга ходимлар шундан келиб чиқиб, ўз позицияларини аниқлаб олишлари талаб этилади.

4-БОБ. АККРЕДИТАЦИЯ ТУРЛАРИ ВА УЛАР УЧУН РУХСАТ ЭТИЛГАН ХУДУДЛАР

4.1. Аккредитация картаси ОАВ ходимининг аккредитациядан ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади.

4.2. ОАВ вакиллари қуйидаги йўналишларда аккредитациядан ўтишлари мумкин:

- **PRE** – босма даврий, радио ва интернет ОАВ учун мўлжалланган аккредитация. У ОАВ ходимига Тадбир ёки Мусобақа ўтказилаётган жойдаги медиа-трибуна, матбуот маркази, матбуот анжуманлари зали, шунингдек, микст-зонага кириш ҳуқуқини беради;
- **PHO** – фотомухбирлар учун мўлжалланган аккредитация. Унинг ёрдамида Тадбир ёки Мусобақа ўтказилаётган жойдаги матбуот маркази ва матбуот анжуманлари залига кириш, шунингдек, Мусобақа вақтида майдон четида (суратга олиш учун махсус ажратилган ҳудуд – дарвозалар ортида) фаолият олиб бориш ҳуқуқини беради. Фотомухбирнинг ўйин пайтида бир дарвоза ортидан иккинчи дарвоза ортига ҳаракатланиши тақиқланади. Бир дарвоза ортидан иккинчи дарвоза ортига ўтиб олиш учун танаффус вақтида рухсат этилади.
- **НВ** – Мусобақани трансляция қилиш ҳуқуқига эга бўлган телеканал учун мўлжалланган аккредитация. Унинг ёрдамида Тадбир ёки Мусобақа ўтказилаётган жойдаги медиа-трибунага, матбуот маркази ва матбуот анжуманлари залига, Мусобақа стартига қадар жамоаларнинг кийиниш хонасига (белгиланган вақт оралиғида), микст-зонага, шунингдек, майдон четида (суратга олиш учун махсус ажратилган ҳудудда) туриш ҳуқуқини беради.
- **NRH** – Тадбир ёки Мусобақани трансляция қилиш ҳуқуқига эга бўлмаган телеканал ва/ёки бошқа платформалар вакили учун аккредитация. Унинг ёрдамида Мусобақа давом этаётган вақтда қисман (узлуксиз бўлмаган), ўйинолди ва ўйиндан кейинги жараёнларни эса тўлиқ тасвирга тушириш имкони мавжуд. Мазкур аккредитацияга эга бўлган ОАВ вакилига матбуот маркази ва матбуот анжуманлари залига кириш, шунингдек, майдон четида (суратга олиш учун махсус ажратилган ҳудуд – дарвозалар ортида) туриш ҳуқуқи берилади. Бунда унинг ўйин пайтида бир дарвоза ортидан иккинчи дарвоза ортига ҳаракатланиши тақиқланади. Бир дарвоза ортидан

иккинчи дарвоза ортига ўтиб олиш учун танаффус вақтида рухсат этилади.

4.3. ЎзПФЛ расмий фотомухбири ёки видеооператори майдон атрофидаги исталган ҳудудда ишлаши мумкин.

4.4. Аккредитация тури ҳамда Мусобақани ўтказиш давомида шу аккредитация учун рухсат этилган зоналар аккредитация картасида кўрсатилади. Аккредитация эгаси ўз аккредитациясида кўрсатилмаган ҳудуд бўйлаб ҳаракатланиши тақиқланади.

4.5. Фақатгина ЎзПФЛ билан расмий шартномаси бўлган ОАВ учунгина Мусобақа олдидан махсус ажратилган ҳудудда жамоалар бош мураббийидан қисқа интервью олиш ҳамда Мусобақа якунида алоҳида ажратилган ҳудудда флеш-интервью олиш ҳуқуқи берилади. Бундай шартномаси мавжуд бўлмаган ОАВ вакили фақатгина учрашувдан кейинги матбуот анжуманида ёки микст-зонада футболчи/мураббий билан интервью уюштириши учун рухсат этилади.

4.6. Мусобақа олдидан, давомида ва ундан кейин клуб расмийси билан исталган нуқтада интервью уюштириш учун рухсат этилмайди. Интервью олишга флеш-интервью зонаси, микст-зона ёки матбуот анжумани залидагина рухсат этилади.

4.7. Флеш-интервью зонасида аккредитация эгаси томонидан берилган саволга жавоб қайтаришдан бош тортган футболчи ёки мураббий, матбуот анжуманида иштирок этмаган мураббий, шунингдек, микст-зонани четлаб ўтган футболчи ёки мураббий иши “Мусобақалар ўтказиш регламенти” асосида ўрганиб чиқилади. Бунинг учун ОАВ мазкур масала асослантирилган расмий хатни ЎзПФЛга тақдим этиши талаб этилади.

5-боб. АККРЕДИТАЦИЯ ОЛИШ ТАРТИБИ

5.1. ЎзПФЛ Матбуот хизмати аккредитация жараёни бошланишига энг камида 7 кун қолганида ОАВ вакиллари аккредитация жараёнидан ўтказиш бошлангани, унинг муддати ва ариза бериш қоидалари ҳамда тартиби тўғрисида ўз расмий сайти — www.pfl.uz орқали огоҳлантиради.

5.2. ОАВ вакили аккредитациядан ўтказиш учун бериладиган ариза ОАВ вакили аккредитациядан ўтказиш учун асос ҳисобланади. Истисно ҳолатларда ЎзПФЛ ОАВ вакили учун аккредитация бермаслик ҳуқуқига эга. Бунда ЎзПФЛ аккредитация нима учун тақдим этилмаётгани изоҳланган расмий маълумотни ОАВ учун тақдим этиши лозим.

5.3. Аккредитация олиш учун ОАВ ЎзПФЛ томонидан тақдим этилган шаклда ариза варақасини тўлдириши лозим. Мазкур ариза ОАВ бош муҳаррири (эркин журналистлар учун аккредитация талабгори) имзоси ва ташкилот муҳри билан тасдиқланган бўлиши шарт.

Ариза варақасига аккредитация талабгорининг исм-шарифи илова қилинади. Аккредитацияга иловада кўрсатилгани бўйича исм-фамилия ёзилади. Бунда ОАВ вакилининг исм-шарифи унинг фуқаролик паспортида акс этган исм-шарифи кўринишида бўлиши тавсия этилади. Аккредитация олишда таҳаллус ёки бошқа кўринишдаги никлардан фойдаланганлик ҳолати аниқланса, бу ҳолат аккредитация бекор қилиниши учун сабаб бўлади.

Ариза варақасига ОАВ вакилининг расмий услубдаги электрон фотосурати илова қилиниши керак. ЎзПФЛ фотосурат сифатидан келиб чиқиб, ОАВ вакилидан фотосуратни ўзгартириб бериш бўйича мурожаат қилиши мумкин.

Юқорида талаб этилган ҳужжатлар ЎзПФЛ электрон почтаси — info@pfl.uz манзилига жўнатилади.

5.4. ЎзПФЛ аккредитация тақдим этиш жараёнида эҳтимолий юзага келиши мумкин бўлган манфаатлар тўқнашувидан келиб чиқиб, қуйидаги мезонларга кетма-кетлик тамойили асосида таяниши мумкин:

- расмий ҳамкорлар ва ЎзПФЛ ахборот ҳамкорлари;
- футбол соҳасига ихтисослашган ОАВ;
- спорт ҳақида хабарлар лентасига эга ОАВ;
- бошқа соҳага ихтисослашган ОАВ.

5.5. Мазкур бобнинг 5.4 бандида келтирилган кетма-кетликлар юзасидан келиб чиқадиган баҳсли вазиятлар ОАВ аудиториясининг сонидан келиб чиқиб ҳам тартибга солиниши мумкин.

5.6. Тадбир ёки Мусобақа ўтказиладиган жой ОАВ вакиллари чекланган миқдорда сиғдира олса ва аккредитация учун берилган аризалар сони ўша миқдордан ошиб кетса, ЎзПФЛ матбуот хизмати муҳимлилик даражасига кўра ОАВ ҳодимларига аккредитация бериш ҳуқуқига эга. Бунда мазкур бобнинг 5.4 ҳамда 5.5 бандларидан келиб чиқиб, иш кўрилади.

5.7. Аккредитация олиш жараёнида мазкур йўриқнома қоидаларига амал қилмаслик, шунингдек, Тадбир ёки Мусобақа ўтказиладиган жой ОАВ вакиллари чекланган миқдорда сиғдира олса, мазкур ҳолат ОАВ учун аккредитация беришни рад этиш учун асос бўлади. Бундай ҳолатларда бир ОАВ учун бериладиган аккредитациялар сони ЎзПФЛ матбуот хизмати томонидан белгиланади.

5.8. Аккредитация бериш ёки уни рад этиш қарори аккредитация учун ариза қабул қилинган муддатдан кейинги 3 кун ичида ЎзПФЛ матбуот хизмати раҳбари томонидан қабул қилинади.


6-боб. АККРЕДИТАЦИЯДАН МАҲРУМ ҚИЛИШ


6.1. Аккредитациядан маҳрум қилиш мазкур йўриқнома қоидаларининг бузилиши оқибатида белгиланган жазони билдириб, бунда

ЎзПФЛ тегишли ОАВ ёки ОАВ вакилини Тадбир ва Мусобақа учун аккредитация картасини муайян муддатга бекор қилади.

6.2. Аккредитациядан маҳрум қилиш жазоси мазкур Йўриқнома қоидалари ёки Ўзбекистон Республикаси қонунчилигидан келиб чиққан ҳолда, тегишли ОАВга ҳам, ОАВ вакилига ҳам қўлланилиши мумкин.

6.3. ОАВ вакили ЎзПФЛ фаолияти, Тадбир ёки Мусобақалари ҳақида ташкилот имиджига путур етказиши мумкин бўлган даражада нотўғри, бузиб кўрсатилган маълумотлар билан чиқиш қилса, Тадбир ёки Мусобақа ўтказилаётган жойда ахлоқ, тартиб-интизом нормаларига риоя қилмаса, бу унинг аккредитациядан маҳрум қилинишига олиб келади.

 ОАВнинг асослангирилган таклифидан келиб чиқиб, ЎзПФЛ мазкур Йўриқнома бандларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритади.



UZBEKISTAN
PROFESSIONAL FOOTBALL
LEAGUE